



ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA



Ўзбекистон Республикаси
IIV nashri

2010-yil

Yu	Sh	Ya	Bu	Se	Oh	Pa	Ju	Sh	Ya	Bu	Se	Oh	Pa	Ju	Sh	Ya	Bu	Se	Oh	Pa	Ju	Sh	Ya	Bu	Se	Oh	Pa	Ju	Sh	Ya
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31

Oktabr

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • №41 (3882)

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши мүнсабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонуи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 22 июнда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 28 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда) **268'-моддаси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«268'-модда. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларига ушбу Кодекснинг 178, 178' ва 215'-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тартиқсидда маъмурий жазо чорасини қўллашга куйидагилар ҳақлидир:

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда жарима солишга».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 221-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **23-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **25-модданинг номи ва биринчи хатбошидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **27-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Реклама тўғрисида»ги 723-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда; 2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 186-модда) **13-моддасининг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекс**и (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда) **329-моддасининг 29-бандидаги** ва **330-моддасининг 21-бандидаги** «монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органлари» деган сўзлар «монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.


5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлға киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 6 октябрь
№ УРҚ-264

Профилактика хизмати



Маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Х. Зиямуҳаммедов ва профилактика
катта инспектори, майор Ж. Эргашев.

МАҲАЛЛАГ ТИНЧ - ВАТАН ТИНЧ

Халқимизнинг бетакрор ва умрбоқий кадриятлари, миллий анъаналари камол топган маҳалла азалдан таълим-тарбия, ҳамжихатлик ва биродарлик маскани бўлиб келган. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда унинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Нодирабегим номли маҳалласида икки мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қилмоқда. Эътиборлиси, ҳар қандай хайрли иш, тўю маъракадан маҳалла аҳлининг ҳеч бири четда қолмайди. Турли дунёқарашга эга бўлган катта-кичикнинг бошини қовуштириш осон иш эмас, албатта. Бу ўринда мазкур ҳудудга хизмат кўрсатётган 81-милиция таянч пунктида олиб борилаётган ишларни алоҳида эътироф этиш жоиз.

– Тинчлик, осойишталик ва ҳамжихатлик айнан маҳалла, оилалардан бошланади, – дейди профилактика катта инспектори, майор Жаҳонгир Эргашев. – Шуни эътиборга олган ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот-таш-

виқот ишларини олиб бораёلمиз. Хусусан, мазкур гушада истиқомат қилаётган 560 нафар вояга етмаганлар иштирокида ҳар ойда икки марта турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

– Маҳалладошларимиз орасида, – дея суҳбатга қўшилди маҳалла оқсоқоли Хайрулла Зиямуҳаммедов, – ўзбек, рус, корейс, арман, татар, туркман, қорақалпоқ сингари 15 га яқин миллатга мансуб кишилар бор. Шукрки, улар меҳр-оқибатли, аҳил-иноқ, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Асқар Даминов, фаолларидан Муҳаббат Махмудова, Миркомил Мирхаликов, Маннон Ҳўжаев ва бошқалар профилактик тадбирлар ташкил этишга яқиндан ёрдам беришаётгани туфайли муносиб ютуқлар қўлга киритилапти.

Худудда тинчлик-осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида вақти-вақти билан хонадонларда бўлиб, жонли мулоқотлар ўтказилмоқда. Шу орқали оилалардаги муҳит, ёшларнинг таълим-тарбияси билан яқиндан танишиш имконияти пайдо бўлапти. Энг асосийси, бундай саъй-ҳаракатлар беиз кетмаяпти. Биргина жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмагани сўзимиз тасдиғидир.

Ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук инсон бўлиб вояга етишларида спортнинг ўрни бекиёс. Негаки, спортнинг у ёки бу тури билан машғул бўлган ўғил-қизларда соғлом фикр, соғлом дунёқараш шаклланади, улар ҳуқуқбузарликка асло қўл урмайди. Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, маҳалла гузари ёнида болалар спорт мажмуаси қуриб битказилди. Бу ердан стадион, сузиш ҳавзаси, тренажёр зали, теннис кортлари, шахмат-шашка хоналари ўрин олган. Яқин кунларда спорт жихозлари келтириб ўрнатилгач, мажмуа маҳалла ёшлари ихтиёрига топширилади.

Камол АЛЛАЁРОВ.

«ПАХТА – 2010»

Пахта йиғим-терими мавсуми ички ишлар идоралари, хусусан, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари учун масъулиятли палла ҳисобланади. Ҳосилни ташишга жалб этилган транспорт воситалари, гарамлаш агрегатларининг ишлаш жараёнида ёнгинлар келиб чиқишининг олдини олиш муҳимдир. Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ИИБ ЁХБ ходимлари ҳам мавсумни беталафот ўтказиб, қимматбаҳо хом ашёни ёнгин балосидан асраш учун бор имкониятларини ишга солишяпти. Бунинг учун жойларда навбатчилик пухта ташкил этилган, барча ёнгин ўчириш анжомлари шай ҳолатда.

МАСЪУЛИЯТЛИ ПАЛЛА



Суратда: туман ИИБ ЁХБ бошлиғи, майор Рустам Заматов пахта қабул пунктида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш экипажига навбатдаги кўрсатмалар бермоқда.

Назиржон ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Хабар



«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг навбатдаги 3-сон натижасида чiqиди. Унда мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган материалларга кенг ўрин берилган. У. Муҳаммадиевнинг «Миллий ва умуминсоний кадриятлар муштарақлиги Ватанимиз манфаатларида жияов берибди», Р. Қодировнинг «Қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш – давр талаби», Н. Қувондиқовнинг «Ҳуқуқий маданият: миллий ва миллий манфаатлар уйғунлиги», З. Ибрагимовнинг «Қаерда қонун ҳужжронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади» мақалалари шулар жумласидандир.

ЖУРНАЛНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Наишда шунингдек БМТнинг Мингиллик тараққиёт мақсадлари: ўн йиллик сарҳисоби, Ўзбекистонда Миллий Мингиллик тараққиёт мақсадаларида эришиш йўлида амалга оширилган ишлар ёритилган. БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган расмий ҳужжатлар: «Тинчлик йўлида динлараро ва маданиятлараро мулоқотни, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни рағбатлантириш», «Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳам-

корликни мустаҳкамлаш» тўғрисидаги резолюциялари чоп этилган. «Инсон ва қонун» руқни истида берилган «Виждон эркинлиги ва давлатнинг дин соҳасидаги сиеасати», «Вояс етмаганларнинг муаллифлик ҳуқуқи ва унинг ҳимон қилиниши» мақолалари ҳам муштариёларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Ф. Каримов ўзининг «Демократик тараққиётнинг муҳим омили» мақоласида миллий ахборот тизимининг маҳияти ва аҳамияти ҳақида мушоҳида юритади. А. Ҳусейнова эса аёллар фаоллигини

оширишда надавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ҳусусида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. М. Раҳимовнинг чикши демократлаштириш жараёнидаги фуқаролик жамияти шаклланишида касарба уюшмаларининг ролига бағишланган. А. Очиловнинг халқаролик муштариёл О. Мотомоновнинг фуқаролар муражиятлари ҳусусидаги саволига берган батафсил жавоби кўптарнинг бу борадаги билимини бойитади, уларга ҳаётида асқотади, деб ўйлаймиз. Журнал саҳифаларидан, шунингдек, турли анжуманлар, тақдиротлар ҳақидаги ахборотлар ўрин олган.

Бобомурод ТОШЕВ.

ТАЙИНЛАНДИЛАР



Бухоро вилояти Бухоро шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи, подполковник Шамсиддин Қаршиевич Тохиров.

Шамсиддин Қаршиевич Тохиров 1965 йилда туғилган. Маълумоти олий, Белгород давлат педагогика институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1991 йилда Бухоро вилояти Тўқимачилик тумани ИИБ Вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекцияси инспектори лавозимидан бошлаган. 1992–2000 йилларда Бухоро вилояти Тўқимачилик тумани ИИБ ЖТСХ вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекцияси катта инспектори, туман ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, 2000–2010 йилларда Тўқимачилик тумани ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили, ЖҚ ва УЖҚБ бўлинма бошлиғи, Бухоро вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚБ бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчиси, Ромитан тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚБ бошлиғи, Ёғдудон тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Андижон вилояти Избоскан тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Акмалжон Ғуломович Қодиоров.

Акмалжон Ғуломович Қодиоров 1961 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1983 йилда Андижон вилояти ИИБ ЖҚБ инспектори лавозимидан бошлаган. 1984–1995 йилларда Андижон вилояти ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, Шахрихон тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, ЖҚБ бошлиғи, 1995–2010 йилларда Бўз тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, Балиқчи тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚБ бошлиғи, Улуғнор тумани ИИБ бошлиғи, Асака тумани ИИБ бошлиғи, Шахрихон тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Андижон вилояти Шахрихон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Азизбек Исамидинович Бўстанов.

Азизбек Исамидинович Бўстанов 1970 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1990 йилда Андижон вилояти Избоскан тумани ИИБ ППХ бўлинмаси милиционер лавозимидан бошлаган. 1990–2010 йилларда Избоскан тумани ИИБ ППХ бўлинмаси командири, ЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, бошлиғи, Балиқчи тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚБ бошлиғи, Олтинқул тумани ИИБ бошлиғи, Избоскан тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Файрат Турабович Муртазоев.

Файрат Турабович Муртазоев 1981 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2002 йилда Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 2006–2010 йилларда Сурхондарё вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, Жарқўрғон тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Сурхондарё вилояти Денов тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Нуриддин Ғуломович Тўхташов.

Нуриддин Ғуломович Тўхташов 1968 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1996 йилда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ИИБ ЖТСХ профилактика бўлинмаси милиция участка инспектори лавозимидан бошлаган. 2001–2010 йилларда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ИИБ ЖТСХ профилактика бўлинмаси ХОҒ катта инспектори, ЖҚ ва УЖҚБ тезкор вакили, Сурхондарё вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚБ катта тезкор вакили, Узун тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, Денов тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚБ бошлиғи, Музrabод тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

2010 йил – Баркамол авлод йили

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Баркамол авлод ҳар қандай жамият тараққиётининг асоси, гарови ва етакчи кучидир. Шу боис юртимизда мустақилликнинг илк йилларида ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда илк бор таъсис этилган орденом «Соғлом авлод учун» деб номлангани ҳам бу масалага нечоғли эътибор қаратилганидан далолатдир.

Ўтган йиллар давомида «Соғлом она – соғлом бола» гоясини ўзида муассас этган дастур асосида кенг қўлланма чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган ташхис, скрининг ва перинатал марказлари, янги турмушхоналар барпо этилди, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида жойларда кенг қўлланма ишлар амалга оширилди. Ўртбошимиз ташаббуслари билан ўтган йилларга мантиқан бир-бирига боғлиқ равишда «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Сихат-саломатлик йили», «Ёшлар йили», «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берилгани ҳам бежиз эмас. Ўтаётган йилнинг «Баркамол авлод йили» деб аталиши ҳам кўзлаган эзгу мақсадларимизнинг ифодасидир.

Улғайиб келаётган ўсим-ёшларнинг турли жиноий гуруҳлар, айниқса, диний экстремизм тарафдорлари таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, уларни жамиятда ўз ўринларини топиб, камол топишлари учун барчамиз бирдек масъулмиз. Шу боисдан ёшларга ғамхўрлик – мамлакатимиз келажагига ғамхўрликдир.

Юртимизда барча соҳаларда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар тўла шакллантирилган. Айни пайтда ушбу асосларни янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда. Қабул қилинаётган қонунлар,

бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замирида ана шу гоя мужассам. Бу гоянинг моҳияти, Ўртбошимиз таъбири билан айтганда, соғлом зурриёт, яъни жисмонан ва маънан етук авлод шаклланиши ва ўз имкониятлари ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, замонавий билим ва касбга эга бўлишини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Истиқлолимизнинг илк йилларидан бошлаб, фарзандларимизни аждодлар жасоратига содиқ, маънавиятли инсон этиб тарбиялашга жиддий эътибор берилмоқда. «Таблим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг ҳаётимизга чуқур татбиқ этилаётгани ёш авлодга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлигини муҳофаза қилиш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ёшларнинг бўш пайтларини турли фойдасиз машғулотларга эмас, балки фойдали тадбирларга жалб этиш муҳимдир. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлашни истар-

дим. Умуман, сўнгги йилларда юртимизда болалар спортини ривожлантириш бора-сида кенг қўлланма ишлар амалга оширилди. Кўплаб спорт мажмуалари, сув спорти саройлари, стадионлар барпо этилди. Ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шугулланишлариغا хизмат қилаётган бундай замонавий иншоотлар оммавий спорт ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, болалар ва ўсимлар жисмонан чиниқмоқдалар, халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтаришга қодир ёш спортчиларнинг янги авлоди етишиб чиқмоқда.

Ҳа, бугунги кунда нафақат спорт соҳасида, балки барча жабҳаларда янгича фикрлайдиган, ўз келажагини Ватанимиз келажагига билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда. Улар орасида бир неча касбни, хорижий тилларни мукаммал эгаллаган, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган, мустақил инсон сифатида шаклланган, бир сўз билан айтганда, эл-юрт хизматишга шай йигит-қизларни кўриб қалбимизда ишонч, гурур-ифтихор туйғуларини ҳис қилмоқда. «Келажақ овози», «Янги авлод» каби республика танловларининг юқори савияда ташкил этилаётгани ёшларда чуқур билим олишга интилишни кучайтирмоқда.

Ҳаёт доимо тараққий этиб боради. Юртимизнинг эртанги кўни, тараққиёти учун масъул бўлган ёшларимиз бунни яхши тушунишди. Улар Ватанимиз ривожини йўлидаги эзгу мақсадларга қаратилган сайёҳаракатларни амалга оширувчи етакчи куч сифатида зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этишди.

Фотима МАХМУДОВА,
Тошкент давлат юридик
институтини талабаси.

Паспортимиз – гуруримиз

МУҲИМ ҲУЖЖАТГА ЭЪТИБОР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, 2240 нафар 25 ёшга, икки мингдан ортиқ 45 ёшга тўлган шахсларнинг паспорти алмаштирилди.

– Айрим фуқароларимиз бу муҳим ҳужжатга нисбатан эътиборсиз бўлишгаётганини айтиб ўтиш жоиз, – дейди М. Валиев. – Ўтган тўққиз ой мобайнида 254 нафар фуқаро паспортини йўқотгани ҳақида ариза билан мурожаат этди. Сабабини суриштирганимизда турли баҳоналарни ваҳ қилиб кўрсатишди. Айримлар қачон йўқотганини ҳам билмайдилар.

Туманда ўтказилган «Тозалаш–Анти-террор» ва «Паспорт-виза» тадбирларида 476 нафар фуқарога берилган паспортнинг амал қилиш мuddати ўтиб кетгани аниқланди. Жойларда ўтказилаётган суҳбатлар ва учрашуларда бу куп марта такорланишига қарамай айрим фуқаролар муҳим ҳужжатга эътибор қилмайдилар.

Шу ўринда туман ҳудудида келган айрим меҳмонлар паспорт тизими қондаларига рисоа этмаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Уларга нисбатан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриломоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида уч нафар қўшни давлатлар фуқароси Ўзбекистонда бўлиш қондаларини бузганлиги учун республикаимиздан чиқариб юборилди.

Паспорт бўлинмаси томонидан бир қатор хайрли ишлар ҳам қилинаётганини айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, тумандаги Меҳрибонлик ҳўида тарбияланаётган, 16 ёшга тўлган 15 нафар ўғил-қизга ички ишлар идоралари ходимлари томонидан паспорт топишириш маросими ташкил этилди. Шунингдек, бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳисобидан ҳам кам таъминланган шахсларга фуқаролар паспорт топиширилди.

Ўз бурчини виждондан адо этаётган ходимлар, майор Кенжа Маждидов ва сержант Абдумажид Абдуллаевлар бошқаларга ўрнак бўлишарди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони иқросини таъминлаш мақсадида раҳбарият томонидан тасдиқланган кенг қамровли тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, қатор ишлар амалга оширилмоқда. Туман ИИБ биносининг ёнидан бўлинма учун алоҳида ер ажратилди. Ҳозир шу жойда паспорт бўлинмаси учун барча қулайликларга эга бўлган, келажакда биометрик паспортлар бўйича маълумотлар йиғиш, фуқароларни қўлиш, маълумотлар бериш ва паспортларни тарқатишга мўлжалланган хоналар қуриляпти. Яқин кўнларда бино тўлиқ битказилиб, фойдаланишга топирилиши кўзланмоқда.

Сарвар СОБИРОВ,
Қашқадарё вилояти.

Ходимнинг етарли малака ва теран тафаккур соҳиб бўлишини давр талаб қилмоқда. Албатта, бунинг учун улар мунтазам равишда ўз устиди ишлаши, ўқиши, мураббийларнинг хизмат тажрибаларини кўн билан ўзлаштириши лозим.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР – ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти мавжуд талаблардан келиб чиқиб, кадрлар сиёсатини амалга оширишда асосий эътиборни ички ишлар идораларига номзодларни сифатли танлаш, бошланғич тайёрлов мактаблари орқали даврий жамлаш, шахсий таркибини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда ходимлар ўртасида қўнчилик, хизмат интизомини мустаҳкамлаш каби масалаларга қаратиб келмоқда.

Шунингдек, ИИБ олий таълим муассасаларини битириб хизматга йўлланма олган ёш ходимларда масъулиятли ва шарафли хизматни ўташга бўлган қўнчиликларни ҳосил қилиш билан бирга, уларнинг касбий билимларини синовдан ўтказиб, зарур кўрсатма ва йўл-йўриқлар бериб бориш ҳам доимий диққат марказида.

Вилоят ИИБ ва унинг қўни тизимларида хизмат қилаётган ёш ходимлар, уларга бириктирилган мураббийлар ва ота-оналар иштирокида ўтказилган тадбирда кам ёш ходимларни тарбиялаш, улар ўртасида хизмат интизоми ва қўнчиликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Энг яхши кўрсаткичга эга бўлган ёш ходимлар ва уларнинг мураббийлари тақдирланди, хизматда бошқаларга намуна бўлаётганларнинг ота-оналарига вилоят ИИБ раҳбарияти номидан ташаққурномалар топиширилди.

– Вилоят ички ишлар идоралари тизимларида вазирил олий таълим муассасалари ва ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларини тамомлаб келган ёшларга малакали мутахассис ходимлардан мураббийлар бириктириб келинмоқда, – дейди вилоят ИИБ ШТБХ бош инспектори, капитан Жасур Юсупов.

– Мураббийларнинг ҳар бир ўғити, хизмат фаолиятида ортирган тажрибалари биз, ёшлар учун жуда муҳим, – дейди Қўнрай тумани ИИБ тергов бўлими терговчиси, лейтенант Зафар Акбутаев. – Мураббийнинг кўрсатган йўл-йўриқлари асосида адолат мезонларига таянган ҳолда тергов фаолияти олиб бориб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга ҳаракат қилаётган.

Чиндан ҳам, ёшлик имкониятларидан самарали фойдаланиб, келгуси ҳаёт учун мустаҳкам пойдевор қўйган инсон ҳаёт йўлида ҳеч қачон қўқилмайди.

Хуршид РЎЗИЕВ,
лейтенант.
Тошкент вилояти.

Хабар

ҲАМ МУЛОҚОТ, ҲАМ МАШҒУЛОТ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнги хавфсизлиги бош бошқармаси масъул ходимлари пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 133 ва Учтепа туманидаги 312-мактабларда учрашув ўтказишди. Ўқувчилар, устозлар ва маҳалла фаоллари иштирок этган тадбирда ҳозирги вақтда жажан ахлини тавшишга солаётган гиёҳвандлик, диний экстремизм ва терроризмнинг турли кўри-

нишлари, шунингдек, ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар, бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Мулоқот чоғида ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари билан бирга давлат ва жамият олдидаги бурчи борлиги, энг асосийси, юртимизда осойишталиқни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кура-

шишга ўз ҳиссасини қўиши ва бунда бошқаларга ўрнак бўлиши кераклиги тушунтирилди.

Шунингдек, ўқувчилар билан ёнги хавфсизлигининг асосий талаблари, ёнги вақтда қўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида амалий машғулот ташкил этилиб, ёнги ўқириш техникаси ва воситалари намойиш этилди.

Ф. КУРБОНОВА,
майор.

Саховат

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Жиззах вилояти ИИБ вакиллари Зарбдор тумани Бўстон қўрғонидида жойлашган қар болалар махсус мактаб-интернатига тез-тез ташриф буюриб туришади. Бугунги кунда интернатда 100 нафар ўқувчи тарбияланмоқда.

– Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари ташрифидан ўқувчиларимиз жуда мамнун бўлишди, – дейди интернат ўқитувчиси Лола Ашурова. – Улар болалар билан суҳбатлар уюштириб, дарсларда иштирок этишди. Айниқса, улар томонидан совға қилинган компьютер жамламаси ўқувчиларимизга янада қувонч олиб келди. Бундай эътибор учун вилоят ички ишлар ходимларига ўқувчи ва ўқитувчилар миннатдорчилик билдиришмоқда.

Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ,
майор.
Жиззах вилояти.



СУРАТЛИ АХБОРОТ

Фаргона вилояти ички ишлар идораларида устоз-шогирд анжасида алоҳида эътибор берилмоқда. Ёшлар кўн ишлик тажрибига эга бўлган ходимлардан касб сирлари, фуқаролар билан муомала маданияти ва хизматининг бошқа жиҳатларини ўрганишарди.

Капитан Абдуллаш Мелибоев кўн ишлардан бери ички ишлар идораларида хизмат қилади. Ҳозирда у Ўзбекистон туманидаги

энг масъулиятли ҳудудлардан бирида профилактик ишларни олиб борапти. Лейтенант Мирзохўд Юлдошев эса шу йили профилактика инспектори лавозимига тайинланди.

Суратда: туман ИИБ ХООБ профилактика инспектори, капитан Абдуллаш Мелибоев шогирди, лейтенант Мирзохўд Юлдошев билан. **Бўрибой ОМОНЗОДА,** Фаргона вилояти.

ХИЗМАТЛАРДА



ФАРОВОНЛИК - ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Айни пайтда Питнак шаҳрида фаолият кўрсатаётган милиция таянч пунктларининг барчаси фуқаролар йиғини билан бир бинода жойлашган. Бундай имконият яратилиши маҳалланинг ҳаётимиздаги давлатликни юксалтириш, унинг ҳуқуқий асосларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, энг муҳими, тинчлик ва оқилолиқни ҳамоҳуқуқлик билан ҳамкорликда ҳал этишда ижобий самара бермоқда.

Шаҳардаги Шарловуқ маҳалласи аҳолиси энг зич жойлашган ҳудудлардан бири саналади. Одамлар асосан деҳқончилик билан шуғулланаётган бу маҳаллада тинчлик ва оқилолиқни сақлашга алоҳида эътибор қаратилган. Профилактика инспекторининг соҳавий хизматлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликдаги сай-ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида умумий жиноятларнинг 2009 йилга нисбатан кескин камайишига эришилди. Оғир турдаги жиноятлар, яъни босқинчилик, ўғирлик, безорилик, қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш, шунингдек, воёга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Ишламаётган кишиларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш каби масалалар ҳам ижобий ҳал этиляпти. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда профилактика инспектори, капитан Эркинбой Отажоновнинг хизмати катта бўлаяпти. У ўз вазифасига сидқидилдан ёндашаётгани боис, Шарловуқ маҳалласи шаҳарнинг энг намунали, тинч ва оқилолиқ тўғрисидаги бири сифатида эътироф этилди.

Маҳалламизда 5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси С. Сапаров. — Уларнинг 40 фоизини ёшлар ташкил этади. Ўғил-қизларимиз билим олиши, спорт билан мун-

тазам шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда савол-жавоб кечалари ёшлар қомил инсон бўлиб воёга етишида муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда милиция таянч пункти ва унинг атрофида спорт майдончалари, касбга йўналтирувчи турли тўғрақлар ташкил қилинган. Уларда 50 нафарга яқин ёшлар ҳунар ўрганишапти. Шунингдек, футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, ку-

раш тўғрақлари ўғил-қизларнинг сеvimли жойига айланган. — Маҳаллада асосий гапни айтадиган киши профилактика инспектори бўлиши керак, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини котиби Жўрабек Бекжонов. — Яқинда икки қўшни ўзаро келишолмай, арз қилиб келди. Икки томон ҳам ўзича ҳақ. Улар тегишли чора кўришимизни талаб қилишарди. Капитан Эркинбой Отажонов маҳалла фаолларини йиғиб, қўшнилар билан суҳбатлашди. Ўшн улуг кишиларнинг фикрлари тингланди. Маслаҳатлар, насиҳатлар берилди. Бу хайрли йиғин ижобий яқун топди. Қўшнилар шу заҳоти ярашилди ва қилган ишларидан пушаймон бўлиб, бир-бирларидан кечирим сурашди.

Капитан Эркинбой Отажонов ўз хизмат вазифасига доим ана шундай масъулият билан ёндашаётгани сабабли аллақачон маҳалла аҳлининг иззат-ҳурматига сазовор бўлган. У ҳаётда ўчмас из қолдирган воқеа-

ни сира ёдидан чиқармайди. 2009 йилнинг 29 декабри. «Тўғруйин» ИПХ масканида ҳаммаси, катта сержант Ҳасанбой Абдуллаев (марҳум) билан ўз бурчини ўтаётган Эркинбой Отажонов хавфли, қуролланган жиноятчиларга рўпарў келиб қолишди. Вазиятни тўғри баҳолаган оқилолиқлик посбонлари зудлик билан уларни қуролсизлантириш ва қўлга олиш чораларини кўришди. Аммо рақиблар жиддий қаршилиқ кўрсатишди. Юқори касб маҳоратига эга бўлган Эркинбой Отажонов ҳамда Ҳасанбой Абдуллаевлар тезкор ғуруҳ этиб келгунча жиноятчиларнинг қочиб кетишига йўл қўйишмади. Хавфли жиноятчиларни қўлга олишда кўрсатган қаҳрамонлиги ҳамда мардлиги учун бу икки йигит Президентимизнинг Фармонида мувофиқ «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Профилактика инспектори маҳалла тинчлиги, аҳоли хавфсизлигини таъминлашда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси аъзолари билан яқин ҳамкорлик қилаёпти. Тунги навбатчилик ғуруҳлари самарали фаолият юритаётгани боис кейинги пайтда жиноят содир этилиши кескин камайди. Қолаверса, ҳар бир ҳолатда паспорт-виза, ёнгин, ов қуролини сақлаш қоидаларига амал қилиниши юзасидан доимий назорат ўрнатилган.

Халқ оқилолиқчилигини таъминлаш, аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилашдек эзгу ва хайрли ишлар қизгин давом этаётган Шарловуқ маҳалласи шаҳарнинг энг обод масканларидан бирига айланмоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ,
Ўз муҳбиримиз.
Мирзабой АБДУЛЛАЕВ,
майор.

Суратда: капитан Эркинбой Отажонов маҳалла фаоллари билан суҳбатлашмоқда.
Хоразм вилояти.

Мақтаб ўқувчиларининг янги ўқув йили бошланганига ҳам бир ойдан ошди. Яна мактаблар кучоғи болаларнинг ўйин-қўлгу-си билан тўлди. Шу билан бирга, ўқувчилар «Йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш ва уларга амал қилиш лозимлигини ёддан чиқармасликларига керак.

Афсуски, бунга эътибор берилмаса оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Йилнинг шу даврига қадар Наманган вилояти автомобил йўлларида болалар иштирокида 74 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. Бунинг натижасида 65 нафар бола жароҳатланиб, касалхонага ётқизилган бўлса, 11 нафари ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Фарғона вилояти Учкуприк тумани Араб Қўрғончаси қишлоғида яшовчи Шўхрат Усмонов «Нексия» русумли автомобилни бошқариб бораётган йўлни кесиб ўтаётган пайда, воёга етмаган Муҳаммадмирозо Икромжоновни уриб юборган. Натижада у олган оғир тан жароҳати туфайли вафот этган.

Наманган шаҳри Қўқон кўчасида яшовчи, 2005 йилда туғилган Мўҳлиса Рашидханова қаровсиз ҳолда йўлни белгиланмаган жойидан кесиб ўтаётган пайтда «Жигули» русумли автомобилни уриб юборган. Натижада у оғир тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилган.



БОЛАЖОНЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК!

Поп туманидаги Халқобод касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Илҳом Бозоров велосипед ҳайдаш қоидаларига амал қилмай, йўлнинг белгиланмаган қисмида ҳаракатланаётган пайтда «Москвич» русумли автомобилни уриб юборган. Оқибатда тан жароҳати олган ўсмир ҳозир шифохонада даволанмоқда.

Бу ҳолатлар барчамизнинг қалбимизни ларзага солмай қўймайди. Ахир ҳаётингиз гули бўлмиш фарзандларимизни бу ҳолатлардан сақлаб қолишимиз мумкин эди-ку. Шу ўринда болаларга тарбия бе-

риш, уларда йўлларда ҳаракатланиш қўнқималарини ҳосил қилишда оила, маҳалла ҳамда мактабнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Негаки, болалар дунёқарашининг шаклланишига мана шу уч омил катта таъсир кўрсатади. Агар фарзандларимизни қўлидан етаклаб, йўлнинг дуч келган жойидан кесиб ўтаверсак, йўлнинг қатнов қисмида ўйнаётган болаларга беэътибор бўлсак ва ҳаракатланиш қоидалари бўйича ўтилиши лозим бўлган дарсларни юзаки ўргатсак, юқорида кел-

ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ

тирилган рақамлар сони ҳеч қачон камаймайди. Болажонлар ҳаётини сақлаш учун кенг жамоатчилик уюшган ҳолда иш олиб бориши зарур.

Юқоридагиларни инобатга олиб йўлларда содир бўлаётган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш мақсадида республикамизда «Диққат, болалар!» кенг қамровли тadbири ўтказилди. Наманган вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ҳам ушбу тadbир доирасида мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида суҳбатлар ўтказиб, тарғибот ишлари олиб боришди. Йўллар, аҳоли кўп тўпланадиган жойларга қақирқ ва шиорлар ўрна-тилди. Йўл-патруль хизмати ходимларининг хизмати катта қўчаларга яқин жойлашган мактаблар олдида ташкил этилди. Илм масканлари олдида ҳайдовчиларни ҳушёрликка қорловчи ёш назоратчилар макетлари ва янги йўл белгилари ўрнатилди.

Келажагимиз бўлмиш болажонларимизни кўз қорачиғидек асраш, уларнинг саломатлиги учун қайғуриш барчамизнинг масъулияти бурчимиздир.

Толибжон АЗИМОВ,
подполковник.
Фурқат МАМАХОНОВ,
майор.
Наманган вилояти.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Ички ишлар идораларида ахборот марказининг ўзига хос ўрни бор. Негаки, бирор ҳуқуқбузарлик ёки қонунбузарлик содир этган шахс ҳақидаги маълумотлар айнан мана шу хизматда жамланади. Бунинг асоси Англанган Қашқадарё вилояти ИИБ Ахборот маркази ходимлари керакли ахборотларни вақтида ҳамлаб, ҳамкасбларига амалий ёрдам кўрсатишмоқда.



Соҳа ходимлари томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида амалга оширилган ишлар қўламини олдинги йилларга нисбатан бир мунча кенгайди. Ички ишлар вазирлиги ва бошқарма раҳбариятининг кўмағи билан вилоятдаги барча шаҳар-туманлар ИИБлари ва соҳавий хизматларга ўрнатилган янги база асосида иш юритилаётгани хизмат самарадорлигини оширмоқда. Ўтган давр ичида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари билан боғлиқ маълумотлар бошқарманинг марказлашган базасида тўпланди. Шундан аксарияти қайта ишланиб, марказлашган (республика) маълумотлар базасига ташлаб берилди. Ушбу жараёнда соҳанинг муҳандис-инспекторлари ҳамкасблари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан келган 5600 дан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ талабномаларни вақтида текшириб беришди. Берилган маълумотномалар вилоятдан ташқари, республика миқёсида ҳам текширилаётгани қўллаб овозгарчилик ва асосийси, соҳавий хизматлар вакилларининг вақти беҳуда сарфланишининг олдини олмақда.

Жамиятда глобаллашув жараёни кечаётган бир пайтда давр билан ҳамнафас иш юритиш бугунги куннинг асосий талабидир. Бундан интернет тармоғининг кўмағи катта бўлмоқда. Мутахассислар жаҳонда юз бераётган сиёсий-ижтимоий воқеаларни ўрганиб, Маърифат дарси ва бошқа йиғилишларда ҳамкасбларини бу борадаги янгиликлар ҳамда ўзгаришлардан хабардор қилишапти.

Бундай ютуқларни қўлга киритишда бошқарма Ахборот маркази катта инспекторлари, капитан О. Шодмонов, сержантлар А. Ашуров, А. Жўраев, ЭХМ оператори, сафдор З. Бобоева каби фидойи ходимларнинг хизмати катта бўлаяпти.

Содиқ РАҲИМОВ,
Қашқадарё вилояти.
Суратда: вилоят ИИБ Ахборот маркази ЭХМ оператори, сафдор Д. Маждидова ва капитан О. Шодмоновлар хизмат жараёнида.
Муаллиф олган сурат.

Пастдарғом туманидаги Ўзбекистон кўчасида яшовчи П. Раҳимжон чиқинди ва хазонни тўплаб, ўт қўйиб юборгани қўпларга ташвиш келтирганидан ташқари сал бўлмаса хонадонининг кули қўққа соврилди. Олов барибир зиён етказмай қолмади: кўча кўрминг беэаб турган бир неча дархат ёниб кетди.

— Табиат инъом этган гўзаллик ва уни авайлаш ҳамда хазонни ёқмаслик, хонадонларни ёнгин балосидан асраш масаласи кузги-қишги тайёргарлик ишларини кўнгилдагидек ўтказиш борасидаги режаларимиздан кенг ўрин олган, — дейди туман ИИБ ЁХБ бошлиғи, майор Шамил Иргашев. — Ҳозиргача 723 та корхона ва ташкилотлар, муассаса ҳамда ўқув юртлари, аҳоли хонадонлари тўлиқ назоратдан ўтказилиб, камчиликларга барҳам берилаётган. Бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди. Белгиланган тартиб-қоидага риоя қилмаганларга эса қонун доирасида чоралар қўрилаяпти.

Бирок соҳа ходимлари сай-ҳаракат қилгани билан аҳоли ҳам масъулиятни ҳис этмаса қийин экан. Чўнқи чиқинди ва хазонни ёқишлар нафақат туман марказида, балки қишлоқларда ҳам учраб турибди. Бу — наботот оламига путур етказиб, турар жойларга, аҳоли саломатлигига зиён қилиши табиий. Шу боис бу масалага барҳам бериш учун тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилаяпти.

Ҳал хазон ва уни ёқмаслик ҳақида бораркан, автобусда та-



нишган ҳамюртимиз самарқандлик ишбилармон Ахтам Ҳакимовнинг сўзлаб берганлари эсга тушди. Иш ўрганиш ва тажриба алмашиш мақсадида Германия ҳамда Япония давлатларида бўлганда у ердагиларнинг битта муҳим иши эътибор тортганини айтганди: яъни улар хазон ва ҳар хил чиқиндиларни ёқиб юбормас экан. Аксинча, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлардагилар қаторида, ҳатто, мактаб ўқувчилари ҳам

дарслардан сўнг бўш вақтларида уни тўплаб, махсус ўраларга жойлашаркан. Бундан ташқари, айнан шу юмуш билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳам тузилган. Экин қолдиғи, чиқинди ва хазон қўйиб қўйилган, уч ой оралиғида у тайёр ўғитга айлана-ркан.

Ер ҳолатини яхшилаш ва ҳосилдорлигини оширишда унинг аҳамияти бекиёслиғи боис хазонни тўплаганларга қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланувчи-

ларнинг эҳтиёжи катта бўларкан. Муҳими, хазон ва чиқиндилардан тўпланган ўғит туфайли қорхоналар сингари мактаблар ҳам ҳар йили миллионлаб даромад қўришаркан. Бу — ўзини ўзи иқтисодий таъминлашга катта ҳисса қўиши табиий.

Ахтам аканинг айтганларидан сўнг, қани энди ўзимизда ҳам шундай тажриба кенг қўлланилса, деган фикр туғилди. Ахир, юртимизда экин майдонлари ва ўрмончиликка ихтисос-

лашган дархатзорлардан, шаҳар ҳамда қишлоқлардан чиқаётган минглаб тонна хазон ҳамда экин қолдиқлари, чиқиндилар махсус жойларга тўпланиб, қайта ишлов берилса, ер унумдорлигини оширишда ундан оқилона фойдаланилса катта харажат талаб этмайдиган бебаҳо бойлик эмасми? Қолаверса, унинг турган-битгани даромад манбаилиги шундай қўриқиб турибди. Қўл харажат талаб қилмайдиган маҳаллий ўғит, бошқаларига нисбатан қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланувчилар учун ҳам анчагина арзонга тушиши тайин.

Муҳими, чиқинди ва хазонни ёқиб юбориш оқибатида айрим қўнгилсиз ҳолатлар келиб чиқмас, наботот оламига эса путур етмас, одамлар ҳаётига хавф туғдирмасди. Аксинча, табиат ато этган бойликлардан янада самаралироқ фойдаланилган бўларди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
Самарқанд вилояти.
Суратда: Пастдарғом тумани ИИБ ЁХБ ёнгин ўчириш жанговар ғуруҳи тайёргарлик пайтида.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган сурат.

Кўз келиши билан шахримизнинг айрим ҳудудларида хазон, шох-шаббалар ва ахлат уюмларининг ёқиб юборилиши катта муаммолар келтириб чиқармоқда. Биргина август ойида 144 та ёнгин ана шундай ўзбошимчалик оқибатида рўй берди.

Бу эса атмосферада захарли моддаларнинг қўпайишига сабаб бўлиб, айниса, болалар саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Айрим уй-жой мулкдорлари ширкатлари, туман ободонлаштириш бошқармалари, шифохоналар, мактаб ва болалар боғчалари раҳбарларининг масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги туфайли хазонларни ёқиш ҳолатлари кузатишмоқда. Бу борада Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан барча туманларда хазонларни йиғиш ўраси, яъни компост чуқурлари тайёрланган бўлишига қарамай, ахлат ва шох-шаббалар ёқиб юборилмоқда.

2010 йил 16 август кўни Сирғали тумани Қўрувчилар мавзесида болаларнинг шўхлиги оқибатида келиб чиққан ёнгинда 150 кв. м. майдондаги қуруқ ўт, Миробод тумани Янги қўйлик кўчасида эса тўпланиб қолган ахлат ёнган. Бун-

дай мисолларни яна келтириш мумкин.

Болаларнинг олов ўйнаши мудиш оқибатларга олиб келиши барчамизга аён. Тез ёнувчи қуруқ ўтлар ён-атрофдаги турар жойларга ўтиб кетиши мумкин. Ўтган йили Чилонзор тумани Чилонзор-2 мавзесида хазонлар ёқиб юборилиши натижасида иккита гаражга ўт кетган. «Матиз» русумли автомобилнинг орқа томони ва салон қисми ёнган бўлса, қўшни гараждаги «Chevrolet Kapitva» русумли автомобил буткул зарарланди.

Ўт балосидан асраш нафақат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки ҳар бир фуқароннинг муқаддас бурчидир. Турар жойларда доимо озодалик ҳўм сурса ҳам қўзимиз қувнади, ҳам талафотларга чек қўйилади.

Муслима РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ муҳандиси,
катта лейтенант.



Баркамол авлод — юрт келажяги



ЗАФАРЛАРГА ҚАНОТ БЎЛСИН

Юртимизда ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида қўллаб-қўллаб-қўллаб амалга оширилиб, кенг имкониятлар яратилаёпти. Ички ишлар вазирлиги Академиясида сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларининг ташкил этилиши фикримизнинг яққол ифодасидир. Бугун бу даргоҳни тугаллаган юзлаб йигит-қизлар оқоётирлар. Ўзларига яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишяпти. Шундай ёшлардан бири Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш гуруҳи инспектори, кичик сержант Алишер Аҳмедовдир.

Алишер ИИБ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларининг кириш имтиҳонлари синовларидан ўтган, бошқа тенгдошлари сингари малакали, мутахассис ўқитувчилардан соҳанинг сир-асрорини ўргана бошладди. Олти ойлик тахсил якунларига кўра кичик сержант А. Аҳмедов олий курснинг имтиёзли дипломи билан тақдирланди.

Эгидида оқоётирлар қосбони либоси билан илк бор Ҳамза тумани ички ишлар бошқармасига қирар экан, юраги фахр, қувончдан тўқилганлиб кетганини ҳамон ширин энтикиш билан эслайди.

Устозлари туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Рашид Маткаримов, ШТБИГ катта инспектори, майор Қодир Ботировларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари, қолаверса, ўзининг интилувчанлиги боис хизматга тезда қўниқиб кетди.

— Болалигимда милиция ходими бўламан, деб орзу қилардим. Либоси ўзига ярашиб турган ўқув-йигитларни қўриб, ўзимни шундай тасаввур қилардим. Йигитлик бурчимни ўтаётган вақтда ички ишлар идораси ходими бўлишга қатъий аҳд қилдим. Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларидаги тахсил давомида соҳанинг пасту баландини, мураккаб жиҳатларини

ўргандик. Устозларимиз или берибгина қолмай, ҳужжатлар билан ишлашни, тартиб-интизомга риоя қилишни ўргатишди. Уларнинг иш тартиби, муомала маданияти ҳам биз, курсантларга катта сабоқ бўлди, — дейди у.

Янги ходим сифатида туман ИИБ ходимлари билан танишадиган пайтда канцелярия катта иш юритувчиси, сафдор Наргиза Ботировани кўради. Талабалик йилларида бир учрашиб қайтиб тополмаган инсонининг кўнглини топишга урина бошлади. Алишер кўзлаган чўққисига етишиш учун ҳеч қандай машаққатдан қочмайдиган йигит. Шу боис Наргизанинг меҳрини қозонди.

— Ҳам оила, ҳам хизмат билан қийналиб қолмайсизми, — деб сўраса:

— Дадам ва акам ҳам ички ишлар идоралари ходимлари. Бу оиланинг кенжа фарзанди бўлсам-да, уйда ҳам талайгина вазифаларим бор. Менимча, қийналмасам керак. Қолаверса, устозим, катта сержант Бону Телякова ҳам аяқдан ёрдам берадилар. У билан хизматда устоз-шогирд, ишдан ташқарида опа-сингилмиз, — дейди Наргиза.

Гули ЧОРИЕВА.

Тошкент шаҳри.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Ислохотлар самараси

Эл-юрт фаровонлигини таъминлашга камарбаста бўлган кишилар зиммасида ишонч ва катта масъулият ётади: хоҳ хизматда ёҳуд жамоатчилик орасида ҳаммаша зийрак, ҳушёр, жисмонан тайёр туриш, ватанимиз тинчлигини сақлаш ҳамда турли кўнгилсиз ҳолатлардан фуқароларимизни асраш каби ишларда улар масъул. Республика Ички ишлар вазирлигида олиб борилаётган ислохотларнинг асл мазмун-моҳияти замирида ҳам асосан ана шу мақсад мужассам. Эндиликда мазкур талаблар доирасида жойларда муҳим тадориқлар кўрилиб, ходимлар малакасини ошириш, уларни жисмоний чинқитириш ва касбий маҳоратларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ МАСКАНДАГИ МАШГУЛОТЛАР

Самарқанд вилояти ИИБда ҳам бу борада қўллаб-қўллаб-қўллаб амалга оширилган. Умуман, барча хизматлари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ходимлар маънавиятини ошириш, жанговарлигини кучайтириш соҳасида эътиборга молик ишлар шаклланиб кетди.

Буллар орасида айниқса замонавий машғулотлар ўтказиш масканининг қурилгани алоҳида ўрин тутади. Аввало, ана шу ҳақда икки оғиз сўз: илгарилари вилоят ИИБ ходимлари ҳар томонлама талабга жавоб бера оладиган машғулотлар майдони бўлмаганлиги учун синовлар пайтларида бир қанча муаммоларга дуч келишарди. Аксарият ҳолларда эса айрим соҳалардан алоҳида жойга чиқиб машқлар ўтказишнинг умуман имкони бўлмади.

Республика ИИБ ҳамда вилоят ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан ўтган йили Самарқанд тумани ҳудудидан ташқарига 200 гектар майдон ажратиш олишга эришилган. Тўғриси, бундан хабардор бўлган баъзи бир соҳадагилар — бу жойни эпаккага келтириш амрига ҳоҳ, — дея ўйлашган. Аммо орадан кўп вақт ўтмади. Ходимларнинг ҳамжihatлиги ва ташаббускорлиги натижасида ажратилган адирлик майдони хашар йўли орқали тартибга келтирилди. Икки километр масофадаги булоққа қувур тор-

тилиб, сув чиқарилди ва ён-атроф ободонлаштирилди ҳамда дарахт кўчатлари ўтказилди. Бу жараёнда қурилиш ишлари ҳам алоҳида лойиҳа асосида бошлаб юборилди. Ҳаракат бўлса, самара ҳам шунга лойик бўйлашаваркан. Ҳеч вақт ўтмай ўқ отиш майдончаси, икки қаватли барча қўлайликларга эга кузатиш пункти, кинолар учун машғулот майдони, шунингдек, хизматлар йўналишидан келиб чиқиб, барчасига мос зарур жойлар тайёрланди.

Энг муҳими, бу ерда ходимларнинг машғулотлардан кейин дам олишлари учун алоҳида хоналар, ювиниш-кийиниш мажмуалари, овқатланиш учун ошхона, дарс ўтиш хоналари ва бошқаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Эътиборлиси, озик-овқат маҳсулотларини ҳам шу жойнинг ўзида етиштиришга эришилди. Бундай қўлайлик ва имкониятлар ходимлар жанговарлигини ошириш, ҳар томонлама жисмонан чинқитиришга имкон бермоқда. Шаҳар ва туманлар ИИБдагилар билан мунтазам равишда машғулотлар олиб бориш йўлга қўйилган ҳамда тез-тез ўзаро мусобақалар ўтказиб турилибди. Самараси эса чакки эмас. Масалан, жорий йилда республика ички ишлар идоралари кинология ходимлари ўртасида кўпқураш мусобақаси ай-

нан ана шу жойда ўтказилиб, унда умумжамоа ҳисобида вилоят биринчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг кубоги ҳамда «Дамас» автомашинасини кўлга киритди. Гарчи бу янги машғулотлар майдонидаги илк совринлардан бири бўлса-да, аммо асосий мақсад ютуқларга қаратилмаганилини, ходимларга жисмоний ва касбий маҳоратини мустаҳкамлаш учун муҳим пойдевор яратилганини барча хизматдагилар қувони ила эътироф этишмоқда. Айни пайтда мазкур машғулотлар майдони нафақат вилоят ички ишлар ходимларининг, балки бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳам севимили масканига айланган.

Бу жойни янада замонавийлаштириш учун зарур чора-тадбирлар қўйилаёпти. Жумладан, кузатиш пункти, дарс майдонлари ва бошқалар билан таъминланди. Булардан ташқари, ўқ отиш майдони ҳам давр талабига мослаштирилди ва электрон тизимига уланди.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда ходимларнинг замонавий масканда ўтказилаётган машғулотлар орқали чинқилишига шарт-шароитлар яратилаётир. Бу ҳам тизимда олиб борилаётган ислохотларнинг самарасидир.

Абдураҳим КОДИРОВ.

Самарқанд вилояти.

Футбол



МУСОБАҚА ҚИЗГИН ТУС ОЛМОҚДА

Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати олий лигасининг йигирма иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Турнинг марказий учрашуви Қаршида бўлди. Унда мусобақада медаллар учун кураш олиб бораётган «Бунёдор» ва «Насаф» жамоалари беллашишди.



Кетма-кет ҳужумлардан бири ўз натижасини берди. 5-дақиқада ҳимоячиларни чалғитишга муваффақ бўлган Шаҳбоз Эркинов наманганликлар дарвозаси

сини ишғол қилди. Кирилган голдан руҳланган майдон эгалари рақибларидан анча устунликка эришиб, бир қатор хавфли вазиятларни содир этди. Бироқ мезбонларга бироз аниқлик етишмади.

Иккинчи бўлимда «Шўртан» футболчилари бир қатор ҳужумлар уюштирди. Учрашув якунланиб боргани сари на-

манганликлар ҳисобни тенглаштириш учун ҳаракат қилишди. 84-дақиқада гузориқлар таркибида ўзгариш юз берди. Шаҳбоз Эркиновнинг ўрнига

майдонга Виктор Клишин тушди. «Шўртан» жамоаси таркибидаги мана шу ўзгариш ҳисобни 2:0 бўлишини таъминлади. Ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқалар ўтиб бораётган паллада гузориқлар бурчак тўпини амалга оширди. Аммо ҳимоячилар тўпни қайтаришди. Қайтган тўпни эгаллаб олган Виктор Клишин рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди ва жамоасининг галабасини таъминлади. Мазкур галабадан сўнг «Шўртан» 37 очко билан мусобақа жадвалида мавқени мустаҳкамлаб олди.

Тошкентда «Пахтакор» — «Олмалик» ўртасида бўлиб ўтган учрашувда пахтакорчилардан Александр Гейрих ва Шерзод Каримовлар биттадан гол киришти, жамоасининг 2:0 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

Йигирма иккинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» (Бекобод) — «Андиджон» (Андиджон) — 2:1, «Хоразм» (Урганч) — «Машъал» (Муборак) — 1:2, «Нефчи» (Фарғона) — «Қизилқум» (Зарафшон) — 4:2, «Локомотив» (Тошкент) — «Динамо» (Самарқанд) — 2:2.

Мусобақа жадвалида «Бунёдор» 57 очко билан ҳамон пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Пахтакор» ҳисобида 52 очко бор.

А. ҚУРБОНМУРОВОВ.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ— 2010

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатида мундтадидан олдин чорак финал йўлланмасини нақд қилишди. Хитойнинг Зибо шаҳрида футбол бўйича ўтказилаётган ёшлар ўртасида кўта чемпионати баҳслари тобора қизгин тус олмоқда. Мусобақанинг «В» гуруҳида тўп сураётган вакилларимиз кетма-кет галаба қозонди.

ЎЗБЕКИСТОН — ГУРУХДА ПЕШҚАДАМ!



Гуруҳ баҳсларининг биринчи турида Ўзбекистон футболчилари ҚХДР вакиллари 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Иккинчи турда эса мазкур гуруҳ пешқадамлари — Ўзбекистон ва Баҳрайн футболчилари ўзаро куч синашди. Ҳар иккала жамоа гуруҳдаги дастлабки учрашувда галаба қозонгани тўғрисида, мазкур ўйин қилиб мундтадидан олдин чорак финалга чиқарди. Бунга яхши намуна Марат Ка-

баев шогирдлари дастлабки дақиқалардан ҳужумга зўр беришди. Ҳамюртларимиз биринчи бўлимнинг 18-дақиқасида ҳисобни очди. Иккитдорли ҳужумчимиз Павел Смоляченко ўттиз метр узоқликдан кучли зарба йўллаб, Баҳрайн дарвозасини ишғол қилди — 1:0.

Иккинчи бўлимда баҳрайнлик ёшлар ҳисобни тенглаштириш учун астойдил ҳаракат қилишди, бироқ вакилларимизнинг мустаҳкам ҳимоя чизигини ёриб ўтишнинг урда-сидан чиқиб қолмади. Қизилқармиқ ўтган беллашувда ҳисоб ўзгармади.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда ҚХДР вакиллари Ироқ ёшлар терма жамоаси устидан 3:0 ҳисобида ишончли галаба қозонди. Футболчиларимиз гуруҳдаги охириги ўйинни Ироқ терма жамоасига қарши ўтказди. Вакилларимиз 2:0 ҳисобида ироқликларни мағлубиятга учратди.

Ф. АЗИЗОВ.

Дунё спорти янгиликлари

ҚИТЪА ЧЕМПИОНИ КИЕВДА АНИҚЛАНДИ

УЕФА 2012 йилги футбол бўйича Европа чемпионатининг финал ўйинлар жадвалини тасдиқлади. Унга кўра, Варшава илк ўйинга мезбонлик қилади. Биринчи ва иккинчи чорак финал учрашувлари Варшава ҳамда Гданьск, учинчи ва тўртинчи ўйинлар Донецк ҳамда Киев шаҳарларида бўлиб ўтади. Биринчи ва иккинчи ярим финал баҳслари Донецк ва Варшава яшил майдонларида ўтказилади. Ҳал қилувчи учрашув эса Киев шаҳрида бўлиб ўтади.



ЯНА ТЎРТ ЙИЛ БОШҚАРАДИ

Ханти-Мансийск шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ)нинг конгресси бўлиб ўтди. Унда мазкур нуфузли ташкилот президентлиги учун бўлиб ўтган сайловлар натижалари эълон қилинди. ФИДенинг амалдаги президенти Кирсан Илюмжинов галаба қозонди. У энди яна тўрт йил федерацияни бошқарадиган бўлди. Сайловларда Илюмжинов кўп овоз тўплаб шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони — Анатолий Карповни ортда қолдиришга муваффақ бўлди. Кирсан Илюмжинов 95, Анатолий Карпов эса 55 та овоз йиғишди.

МЕЗБОН МАМЛАКАТЛАР

2013-йилги гандбол бўйича жаҳон чемпионати икки Европа мамлакатиде — Эркинлар ўртасидаги беллашувлар Испанияда, аёллар ўртасидаги баҳслар эса Сербияда бўлиб ўтади.

Эслатиб ўтамиз, Испания чемпионатга мезбонлик қилиш учун астойдил курашган ягона давлат ҳисобланади, Сербия эса ушбу баҳсда Жанубий Кореяни ортда қолдирди.

ЯРИМ ФИНАЛГА ЙЎЛ



Италияда бўлиб ўтаётган волейбол бўйича Европа чемпионатининг биринчи тур эрақлар ўртасидаги баҳсда Бразилия терма жамоаси Чехия устидан 3:2 ҳисобида галаба қозонди. Жамоасининг зафар қўчишига сабабчи бўлган спортчилардан Мурило эътироф этилди. У мазкур ўйинда 25 очко жамғарди ва жамоасининг галабасини таъминлашга катта ҳисса қўшди. Ҳозирда бразилияликлар ярим финал баҳ-

сига чиқиш учун зарур бўлган икки очкони кўлга киритди. Улар энди навбатдаги рақиб Германия волейболчиларига қарши баҳс олиб боришади.

ЯПОНИЯЛИК ЎСМИРЛАР ГАЛАБАСИ

Теннис бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Дэвис Кубоги мусобақасида Япония терма жамоаси галаба қозонди. Улар икки ўйинда канадалик тенгдошлари устидан зафар қучишди. Эътироф этиш жоизки, кўнчиқар юрт вакиллари бундай ютуқни ўз тарихида илк бор кўлга киритишди. Казума Кавачи ва Кайчи Учидалар терма жамоа галабасини таъминлашга катта ҳисса қўишди.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ, РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида Осиё ўйинларининг футбол турнирига қуръа ташланди. Қуръа натижаларига кўра, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси «Е» гуруҳида БАА, Бангладеш ва Гонконг терма жамоалари билан куч синашадиган бўлди.

Гуруҳларда дастлабки икки ўринни кўлга киритган жамоалар ва қолган жамоалар ичидан энг яхши кўрсаткичга эга бўлган тўрттаси нимчорак финал йўлланмасини кўлга киритади. Шундан кейин эса жамоалар мусобақани плей-офф тизимида давом эттиришади.

Эслатиб ўтамиз, мусобақа 7 ноябрдан 25 ноябргача бўлиб ўтади.

«А» гуруҳи	«Д» гуруҳи
Хитой	Қатар
Малайзия	Қувейт
Қирғизистон	Ўзбекистон
Япония	Сингапур
«В» гуруҳи	«Е» гуруҳи
Эрон	Ўзбекистон
Вьетнам	БАА
Баҳрайн	Гонконг
Туркменистон	Бангладеш
«С» гуруҳи	«Ф» гуруҳи
Жанубий Корея	Ироқ
Фаластин	Мальдив ороллари
Иордания	Уммон
ҚХДР	Таиланд

ЁШ МУАЙТАЙЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда болалар спортга катта эътибор берилмоқда. Вилотимизда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилиб, жойларда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бўйича ўтказилаётган спорт мусобақалари фикримизга мисолдир.

Избоскандаги Лўғум

СПОРТ

килограмм вазнда избосканлик Шўхрат Абдусаломдан ва спорт ишлари бошқармаси, вилот Муайтай ассоциацияси ҳамда туман ИИБ ҳамкорлигида 1995—1996 йилларда туғилган ёшлар ўртасида спорт мусобақаси ташкиллаштирилди. Унда шаҳар ва туманлардан ташриф бурурган 120 дан ортиқ ёш спортчилар иштирок этишди. Тенг қурашлар остида ўтган мазкур мусобақада барча иштирокчилар ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Яқунга кўра 36 килограмм вазнда жалолқудуқлик Жамшид Раҳмонов, 30

45 килограмм вазнда Андижон шаҳрлик Сардор Қурбонов, 50 килограмм вазнда избосканлик Музаффар Турғуновлар ғолибликни кўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида Избоскан тумани вакиллари биринчиликни эгаллашди. Ғолибларга туман ИИБ ҳамда мусобақа ташкилотчиларининг эсдалик совғалари топширилди.

Алишер УСМОНОВ,

майор.

Андижон вилоти.

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририяти 2011 йилда ўз нашрлари — «Постда», «На посту» газеталари ҳамда «Qalqon», «Щит» журналларини Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларидаги обуначиларга етказиш бўйича ушбу фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар орасида тендер эълон қилади. Ушбу тендерда қуйидаги юридик шахслар қатнаша олмайди:

- Қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлганлар;
- илгари тузилган битим (шартнома)лар бўйича зиммаларидаги мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлар;
- таъсис этилганига ҳали олти ой тўлмаганлар;
- қонунга мувофиқ давлат рўйхатидан (аккредитациясидан) ўтмаганлар;
- буюртмачи билан суд ёки арбитраж муҳокамаси босқичида бўлганлар.

Ҳужжатлар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 2010 йил 1 декабрга қадар қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар Ю. Ражабий кўчаси 1-й. Тел: 231-30-40, факс: 232-05-51.

Тезкор гуруҳ йўлга чиқди...


Болалигимда катталар кечкурун ётиб ухлашдан олдин тунни яратган Аллоҳга беҳад шуक्रоналик билдиришининг сабабини воёга етганимда теран англаб етдим. Тун – кун бўйи олинган чарчовни ёзиш учун инъом этилган буюк неъмат экан. Аммо афсуски баъзи кимсалар ундан кабиҳ ниятини амалга ошириш ва қилмишини яширишда фойдаланишга ҳаракат қилишади.

Шу йил 12 июлга ўтар кечаси Нукус шахрининг осудалиги, хавонинг илиқлиги, бетакрор гузалликка бой тунги чироқлар кишига завқ бағишларди. Ҳаётининг энг гуллаган даври – йигирма беш ёшни қаршилаган, аммо кўчада мақсадсиз тентираётган йигит ногаҳон йўл ўртасига чиқиб қолди-ю, ўткир нурлардан қамашган кўзлари кучли зарбадан мангу юмилди.

Орадан маълум вақт ўтгач Нукус шаҳар ИИБ навбатчилик қисмидаги телефон ташвишли жиринглади. Навбатчи, майор Б. Нурниязов хабарни эшитиши билан тезкор гуруҳ оёқга қалқди. Воқеа жойига Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖК ва ТҚБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Генжебай Сейтназаров, бўлим бошлиқлари, подполковник Миралибек Сержанов, Валибек Исмоилов, ИИБ ЙХБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Абдуқодир Асқаров, ИИБ ЭКБ бошлиғи, подполковник Ниятбай Мадримов ва Нукус шаҳар ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Ботир Маткаримовлар ҳодимлари билан етиб келишди.

Тўртқўл шохқўчасининг ўртасида қонга беланган жасаддан бошқа бирон-та ашёвий далил топиш мушкул эди. Ярим тунда гувоҳлар ҳам бўлмагани тайин. Чунки бу пайтда ҳамма ширин уй-қуда ётарди. Марҳумнинг чўнтагидаги уяли телефон орқали унинг шахсини аниқлаш учаллик қийин бўлмади. Нукуслик Сагиндик Ермаевнинг ақинлари ўз жигарбандини бу аҳволда қўришиб, ички ишлар ҳодимларига умид ва ишонч билан боқишарди.

Подполковник Ниятбай Мадримов марҳумнинг кийимларида қолган излар энгил автомобилга тегишли эканлиги ҳақида ҳулоса берганда қалаванинг учи топирилган эканлиги. Подполковник Валибек Исмоиловга зудлик билан тунда ишлаган такси ҳайдовчиларини аниқлаб, барчасини экспертизадан ўтказиш топширилди. Чунки Нукус шахрининг ўзида йўловчиларга хизмат кўрсатувчи



ТУН ОҒУШИДАГИ ҚОТИМЛИК

ўн олти хусусий ширкат мавжуд. Подполковник Генжебай Сейтназаров ҳодимлари билан яқин атрофдаги хонадонларда суриштирув ишларини олиб боришарди. Вазият, қилинган ва қилинадиган ишлар юзасидан республика Ички ишлар вазирлиги, полковник Оринобай Турдақовга ахборот берилди. Вазир зудлик билан барча ИПХ блок-постларида ҳодимларга шубҳали машиналарни қаттиқ назорат қилишни топширди.

Тонг оқариб, туннинг ширин онлари ортада қолди. Кўчаларда яна серкхотон ҳаракат бошланди. Юлдузлар ва унга монанд тунги чироқларнинг ёғдуси қўёшнинг заррин нурлари билан алмаш-

ди. Ҳодимлар эса ҳамон тиним билишмасди. Соат миллири олтига яқинлашиб қолганда яна навбатчининг ташвишли хабари эшитилди. Тезкор гуруҳ аъзоларининг бир қисми шу ерда қолди, қолганлар воқеа жойига етиб боришди. Шаҳар кўчаларининг бирида қўл-оёқлари боғланган, йигирма-йигирма беш ёшлар чамасидаги йигитнинг жасади ётарди. Марҳумнинг оёқ кийимлари йўқлигидан уни бошқа ерда ўлдириб, кейин бу ерга олиб келтирилган, деган тахмин илгари сурилди. Жасад ёнидан топишган велосипед излари ҳодимларни икки, икки ярим қақирим масофадаги хонадонларнинг бирига олиб борди.

Нураб ётган деворларга қурилган кўримсиз дарвозага катта қўлф осилган. Остонада ювилган, бироқ ҳали қуриманган қон доғлари яққол кўриниб турарди. Қўшиллар бу уйда муқаддам бир неча бор судланган, қирқ тўққиз ёшли Сапар ўғли Аҳмад билан яшаши, ота-ўғил ўртасида тез-тез жанжал бўлиб туришини маълум қилишди. Улар жасадни қўришлари билан марҳумни таниб:

– Бечора Аҳмаднинг ахири ўлдириб қўйилган, – деб қўзларига ёш олишди.

Қорақалпоғистон Республикаси суд-тиббий экспертизаси бошлиғи Бердақ Қалжанов 1986 йилда туғилган Аҳмад Сапарович Қурбонов бошига етказилган

оғир жароҳатдан ҳаётдан қўз юмганлиги ҳақида ҳулоса берди. Шундан кейин ҳодимлар тезкор суриштирувлар олиб бориб, Сапарнинг ҳамтовоқлари орқали унинг қаерда эканлигини аниқлашди ва қўлга олиш чораларини қўришди. Қўли қонга ботган қотил ҳудди ҳеч нарса бўлмагандек хилват жойда ичиб, хуштори билан майшат қилиб ўтирарди. Унинг қўлларига кишан урилганда ҳам нигоҳида заррача ўзгариш сезилмади.

Юраги тошга айланган ота иккинчи бор уйланишни ихтиёр этиб, уйига Рим-ма исмли аёлни бошлаб келганида ўғлига ёқмаган, ўғли онаси билан сира келиша олмагани, аёл эса «ўғлинг бу уйда яшайдиган бўлса, ортиқ менинг қорамни кўрмайсан», деб кетиб қолгани, шундан кейин ухлаб ётган ўғлининг бошига қумгон билан бир неча марта уриб ўлдирганини тан олди. Жасадни каналга ташлаш учун қўл-оёқларини боғлаб, велосипедга юклади, бироқ ярим йўлда «юк» ағдарилиб кетди. Сапар уни шу ерда қолдириб, уйига қайтади ва остонадаги қон доғларини ювиб, дарвозага қўлф осадди-да тонг ёришмасдан гойиб бўлади. У бўлган воқеани ҳеч бир ачиниш ёҳуд пушаймонлик ҳиссини сезмасдан гапириб берганида соат миллири кундузги ўн бирга яқинлашиб қолганлиги. Ички ишлар ҳодимлари уни прокуратура терговчисига топшириб, яна йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойга етиб келишди. Шу пайт подполковник Валибек Исмоилов қўнғирок қилиб:

– Тахмин тўғри чиқди, кеча тунда қирақашлик қилган барча ҳайдовчиларни йиғиб, автомобилларни экспертизадан ўтказганимизда «Матиз» русумли машинанинг таг қисмидан қон доғлари топилиди. Йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, жабрланувчига ёрдам кўрсатмасдан воқеа жойидан қочиб кетган ўттиз икки ёшли Рустам қилмишини тан олиб, кўрсатма бераёпти, – деди.

Маълумки, оёсийиштаклиқ посбонлари содир этилган жиноятни фош қилмагунча асло тиним билишмайди. Бунинг учун ҳодим қанчалик матонатли бўлиши кераклигини тасаввур қилиш қийин эмас. Соҳавий хизматлар ҳамкорлиги эса туннинг ширин онларини бедор ўтказган ҳодимларнинг машаққатли меҳнати самарали ақунланишида муҳим омил бўлади.

Шухрат АБДУЖАБОРОВ,
подполковник.
Қорақалпоғистон Республикаси.

Жиноятга жазо муқаррар



Кексаларимиз одатда эзгу тилак билдирганда: «Илоҳим орамиздан оқибат кўтарилмасин, бир-биримизга меҳр-муруватли бўлайлик!» деб дуо қилишади. Зеро, бу тилак замирида ҳикмат кўп. Ўзаро хурмат, одамийлик ва ҳамжихатлик қарор топган оилада хотиржамлик, ғайз-баракка бўлади. Гап уқмайдиган, оқибатдан юз ўгирадиганлар эса ҳаётда қоқилмайдилар.

Алишер Эркинов (исм-шарифлар ўзгартирилган) на ота-онасининг ўғиллари, на катталарнинг сўзларига қўлоқ соларди. Воёга етганда ҳам унинг феъл-атвори ўзгармади. У текканда тегиб, тегмаганга кесак отадиган одат чиқарди. Яқинларига доимо ташвиш орттириб юрадиган бу йигит бир неча бор судланса ҳам тавба қилмади. Унинг тақдирини ташвишланган ақинлари оилали бўлса ўзгарар, деб ўйланган бўлиши қўйишди. Ҳаётга энгил-елпи қарайдиган, мулоҳазасиз одам оиланинг муқаддаслигини тушунармиди?! Алишер тўрт фарзандли бўлса-да қунора жанжаллашиб, хотинини калтаклаш одатини қанда қилмади.

Юраги зада бўлган Мавжуда тез-тез отасининг уйига кетиб қолар, Алишер эса бир неча кундан кейин айланиб-ёлвориб, турли ваъдалар бериб қайтариб олиб келарди. Эрининг доимий хўрлашларидан безор бўлган Мавжуда охири ажралишга аҳд қилди. Улар суд орқали ажралишди ҳам. Эрининг зуғумидан қутулдим деб ўйлаган аёл янглишганди.

Қўнларнинг бирида Алишер қайнотасининг уйида пайдо бўлди. Қайнотаси қурилиш ишлари билан банд бўлиб, усталарга қўрсатма бераётган эди.

– Бу ерга бошқа келманг дегандим-ку, – деди у собик қўёвга жайл аралаш. – Қизимнинг бахтини қаро қилдингиз, уни сизга хўрлаш учун берганимдир? Энди Мавжудани тинч қўйинг!

Бу гап Алишерга оғир ботди. Гап талашиб қолган қайнота-қўёв орасида низо чиқиб, даҳанаки жанг мушлатлашга айланди. Алишер жанжални эшитиб югуриб келган қайнотасини ҳам аяб ўтирмади. Бир зумда хонадонни қий-чул тулди. Жайл отига минган қўёвга ҳеч ким бас кела олмади. «Барига мана шу одам айбдор, – дерди у қайнотасига. – Хотинимнинг тарафини олманганда оилам билан ажрашмаган бўлардим. Ўлдирман уни!»

Алишер қаердандир қўлга тушиб қолган болтани олиб, қайнотасига ташланди. Қўни-қўшилларнинг ҳай-хайлаши, Мавжуданинг чинқириб юборгани Алишерни ҳўшига келтирди. У болтани ерга ташлаб, болаларини олганча чиқиб кетди. Уларни машинасида айлантириб келганда ховлида ички ишлар ҳодимлари уни қўтиб туришарди.

Алишер Эркинов қайнотасига суиқасд қилганлида айбланиб, суд ҳукмига кўра, тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Отабек ТОШЕВ.
Шаҳло БАҚОЕВА.
Бухоро вилояти.

Изқувар ҳикояси

Мирзабод тумани марказидаги Наврўз қўрғониди яшовчи Э. Юсуф қурилишнинг қатор касбларини эгаллаган. Иттифоқо қўшнисининг тўртта товури дон қидириб унинг ҳовлисига чиқиб қолади. Шу кунни узоқдан келган бир таниши товуқларни қўриб:

– Уларни менга сотгин, зотдор товуқлар экан, кўпайтирмакчи эдим, – дейди.

– Қўшнимники, билиб қолса уят бўлади, – дейди Юсуф.

ЎҒРИ ҲАММА ЕРДА ЎҒРИ

– Кечкурун билиб ўтириб-дими, қолга солиб машинага жойла, пулини нақд бераман.

Шу сабаб бўлди-ю Юсуф ўғрилиқка ўрганди. Оғтобда куйиб, ёмғирда ивиб, гишт териб юргандан панапасткам жойда ўғрилиқ қилишни афзал билди. Икки-учта қорамолни ўмариб сотиб юборгандан кейин изига тушганимизни сезиб қаққақидир гойиб бўлди.

Суриштирувларда танишлари Тошкент ёки Самарқандга кетган бўлиши мумкин, дейишди. Аммо у Бухорога йўл олган экан.

Юсуф бели оғирмай нон ейишга ўрганиши учун Бухорода ишлаб, ҳалол пул топишни ҳавлига ҳам келтирмай, киссавурилик қила бошлайди. Аёлларнинг сумкаси, кексаларнинг чўнтагидан билдирмай пул, тақинчоқларни олиб қочади. Ўғри бошқа

жойга борса ҳам «касбини» давом эттираркан.

Бизнинг юборган маълумотимиз асосида қидирув олиб борган бухоролик ҳамкасбларимиз Юсуфни айнан бир аёлнинг сумкасида пул ўғирлаётганда ашёвий далил билан қўлга олади. Бухорога бориб унинг қўлига кишан солиб олиб келарканман ҳалқимизнинг: «Букрини фақат гўр тўғрайди», деган нақли ёдимга тушди...

Жамшид МҲМИНОВ,
лейтенант.
Сирдарё вилояти.

Қилмиш-қидирмиш

ҚАРЗИНИ УЗОЛМАЙ ҚОЛДИ

Эшикни очган Ю. Шодмоннинг ранги ўчиб кетди. Чунки таниши яна қарзини қистаб келганди.

– Инсофинг борми ўзи, икки йилдан бери қарзингни узмай, алдаб келасан, – деди таниши.

– Яна уч-тўрт кун сабр қилгин, қарзимдан қутуламан, – деди Шодмон.

Эртасига туман марказига борган Шодмон гўшт дўкони олдида утаётиб миясига келган фикрдан ҳам қувонди, ҳам қўрқиб кетди. Шайтон ўғирлик қил, ана, эшигини бўзсанг пул ҳам, гўшт ҳам бор, дея кўнглига вавсаса соларди. Ўғрилиқ эса жиноят, буни яхши билади. Аммо пул топа олмади таниши келиб яна қистайди.

Ярим тунда гузарга келган Шодмон дўконнинг орқа эшигини бузиб, ичкарига кирди ва сотиш учун тайёрлаб қўйилган 50 килограмм гўшт ҳамда темир шкафдаги 200 минг сўм пулни олиб, гойиб бўлди.

– Воқеа жойида айтарили белги қолмагани учун ўғрининг шахсини аниқлаш осон бўлмади, – деди Дўстлик



тумани ИИБ ЖК ва УЖКБ тезкор вакили, катта лейтенант Алишер Давлатов. – Вилоят ИИБ ЭКБ ҳодимлари мурожаат этдик. Мутахассислар пичоқ, темир шкаф эшиги ва музлатгичда Ю. Шодмоннинг бармоқ излари борлигини аниқлашди.

Жиноят содир этилганда айрим-лар ўғрини ҳеч ким аниқлолмайди,

дейишганди. Шу боисдан, бироз кечикиб бўлса-да, жиноятчи қўлга олинганда улар тилини тишлаб қолишди. Бунга маҳоратли экспертлар ва хушёр ҳодимларнинг савий-ҳаракатлари тўғрисида эришилди. Шундай қилиб Ю. Шодмон қарзини узолмай қолди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.
Жиззах вилояти.

Пора – юзни қилар қора

ҚИЛМИШИГА ЯРАША

Андижон вилояти тери-таносил касалликлари шифохонаси бўлинима мудири Обиджон Улугбеков (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб кичик «бизнес» билан шугулланишга аҳд қилди. Маълумки, бу шифохонага таносил касаллигига чалинган беморлар мурожаат этди. Уларнинг аксарияти энгил табиатли аёллар бўлишди.

Шу йил 14 март куни ички ишлар идораси ҳодимлари мазкур бўлинимага фоҳишалик билан шугулланувчи 23 ёшли Р. Гулнорани тиббий текширувдан ўтказиш учун олиб келишди. Орадан икки кун ўтиб Обиджоннинг олдига Нигора исмли таниш аёли келиди.

– Ука, сендан бир илтимос, – гап бошлади Нигора.
– Нима гап, опа? Тинчликми? Ёки сиз ҳам ҳалиги-да касалликка чалиндингизми?

– Ҳа, яшашмагур! Гапингни шамол учирсин.
– Ҳазил, опа, ҳазил. Қандай илтимос экан?
– Келганимнинг боиси – сенинг бўлинимангга Гулнора исмли жияним даволанаяпти. Уни чиқариб юборсанг, ҳеч қанақа касаллиги йўқ, соппа-соғ.

– Йўқ, опа. Бу илтимосингизни бажара олмаман. Бордию қиз тери-таносил касаллигига чалинган бўлсан-чи? Органдагилар назоратида турибди. Уни ахшилаб текшириб қўришимиз керак. Бир ҳафталардан кейин келинг. Соппа-соғ бўлса, олиб кетаверасиз.

– Ҳазиллашаёсанми? Бунча қўтиб туролмайман. Бир иложини қил, ука. Менда ҳам қолиб кетмайди.

Аёл шундай деб сумкасида бир хатқилди олиб, шифокорнинг столи устига қўйди. Обиджон пулнинг дарагини эшитиб, Гулноранинг ҳўжжатларини суриштиришга тушди.

– Олиб келганман, мана унинг паспорти.

– Майли, опа, «жиян»-ингизини олиб кетинг. Фақат унга тайинлаб қўйинг: қайтиб бундай номасқул ишлар билан шугулланмасин.

– Ҳўп, ука, ҳўп.

Аммо бу гал Обиджоннинг «хўнари» ўтмади. У пулни чўнтагига солган пайти жиноят устида қўлга олинди. Тергов-суриштирув ҳаракатлари жараёнида О. Улугбеков илгари ҳам бир неча бор юқоридаги каби қонунбузарликлар содир этгани аниқланди. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди уни айбдор деб топиб, тегишли муддатга озодликдан маҳрум этди.

Хотамбек НАЗИРОВ,
подполковник.
Андижон вилояти.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юргани учун фуқаро Фаррух Исмаилович Игамбердиев Тошкент шаҳри Сирғали тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда.

У 1982 йилда туғилган. Қўқон шаҳри Хўжанд кўчаси, 130-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддаси 2-қисми, 137-моддаси 2-қисми, 164-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқроқ, сочи, қўзлари қора, буруни катта, лаблари қалин, қўлоқлари ўртача.

Юқорида исм-шарифи қайд этилган шахсни қўрган ёки қаердалиги ҳақида маълумотга эга бўлган фуқаролардан 8-371 257-77-56, 258-05-42, 406-11-51, 724-08-92 рақамли телефонлар орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ ШТБХ бошлиғининг биринчи ўринбосари, майор

Рустамжон НУРИТДИНОВнинг фоҳиали вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг ота-аълолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Фаргона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма Ахборот маркази бошлиғи, полковник Камолитдин Очқидиевга отаси

ЖАМОЛИДДИН отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ ЖИБ муассаса бошлиғи ўринбосари, лейтенант Нуралӣ Латиповга падари бузруквор

ЖўРАКУЛ отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ТИБ навбатчилик қисми бошлиғининг ёрдамчиси, тезкор-навбатчи, подполковник Фахриддин Зафаридиновга онаси

Сабура аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

2010 йил – Баркамол авлод йили

«Оникс» болалар рақс-спорт, тиббий тайёргарлик, тўқиш ва тикиш, каштачилик, бисер тўқиш, компьютер саводхонлиги, «Ден-вер» ва «Янгица нигоҳ» номли рас-сомчилик, инглиз тили ҳамда ди-зайнерлики ўргатадиган тўғара-ларда юзлаб ёшлар соҳа мутахас-сисларидан сабоқ олишмоқда.

– Истиқлол боис ушбу Мада-ният саройи бино қайта таъмир-дан чиқарилиб, мана шундай кўркем ҳолга келтирилди. Рақс машғулотларига мўлжалланган алоҳида хоналар, 476 ўринли кон-церт зали замонавий овоз кучай-тиргич, чироқлар, юмшоқ ўрин-диқлар билан жиҳозланган, тур-ли сахна асарлари қўйишга мос-лаштирилган. Хар бир тўғара-қув хоналари ҳам керакли уску-налар билан жиҳозланган. Маш-ғулотлар ўтиш учун тажрибали, олий маълумотли педагог ходим-лар жалб этилди. Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ушбу тўғарак машғулотлари учун ўқув режа, дастурлар ишлаб чи-қилди ва амалиётда жорий этил-ди, – дейди ИИБ Маданият са-ройи бошлиғи, подполковник Жўра Қодиров. – Бундан ташка-ри, миллий ҳолу асбоблари ча-лишни, элита пардалар тикишни ўргатадиган ҳамда турли хилдаги ўқалаш курслари очилиши ҳам ре-жалаштирилган.

Маданият саройининг кенг ва ёруғ йўлақлари бўйлаб сайр қилар экансиз, жилвадор нақшлар, ганчлар ҳаёлинингизни олади, улар бағридаги мукаммал иқтидор, юк-сак маҳоратни ҳис қиласиз.

Айланиб юриб машҳур рассом-лар қаламига мансуб суратлар осилган хонага кирдик: ўн чоғли йигит-қизлар дид билан ясапти қўйилган гўлдаста расмини чи-зишмоқда. Тўғарак раҳбари Сар-дор Нугмановни сўхбатга тортдик:

Юртимизда ёшлар иқтидори, салоҳиятини янада юк-салтириш йўлида кўпгина ибратли ишлар амалга оши-рилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида бугунги кунда ёшларга мўлжалланган бир қанча тўғаракларда маш-ғулотлар ўтиляпти. Ўқувчи ёшларнинг бўш вақтлари-ни сермазмун ўтказиш, уларни касб-хунарга йўналти-риш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Ма-даният саройи қошида саккиз йўналишда тўғараклар фаолият юртияпти.

УМИДБАХШ ТЎҒАРАКЛАР



– Бугунги машғулотда қалам тасвирда натюрморт чизишни ўрганаёмиз. Тўғарак номи «Ян-гича нигоҳ» деб аталгани учун болалар турли хорижий жанрлар-га миллийликни, анъанавийликни олиб кирган ҳолда ижод қилиша-ди. Сурат чизиш баробарида Ка-молиддин Бехзод, Леонардо да Винчи, Салвадор Дали каби буюк

рассомлар ҳаёти, ижоди билан ҳам танишиб борадилар. Компьютер саводхонлиги дарсларида улар Microsoft Word, Excel, Adobe Photoshордан тортиб турли интернет сайтлари яратиш-да қўлланиладиган дастурларга-ча ўрганадилар. Бунда ўқувчилар-га Отабек Одилов ва Виталий Макаренко мураббийлик қилади.



Наргиза Раззоқова раҳбарлик қилаётган «Интерьер ва қўлайлик» деб номланган тўқиш-тикиш кур-сида қизлар турли усуллар, сир-ларини ўрганаптилар. Каштачи-лик ва бисер тўқиш курсида Нина Степанюк назорати остида сўнгги ўрфдаги кийимларга миллий каш-тачилик намуналарини тикяптилар. Бир-бирини тақорламайдиган кашталарни қўриб ҳавасингиз келади. Ўқувчилар иқтидори, ижо-дий салоҳиятини юксалтириш, улар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш учун 25 октябрь – Ички ишлар идоралари ходим-лари куни муносабати билан рас-сомчилик ва тўқиш, тикиш курси қатнашчилари ўртасида кўрик-тан-лов ўтказилиши режалаштирилган.



Куй-қўшиқлари, рақслари би-лан аллақачон ўз муҳлисларини топган «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи аъзолари ҳам шу ерда ижод қила-

ди. Демак, бири-бирдан бетак-рор дастурлар, рақс дасталари аввало, шу ерда яралади. Гуруҳ-нинг кундан-кунга мукамаллиқ, жозибдорлик сари бораётгани-нинг ҳам сирини шу бўлса, ажаб эмас. Зеро, бунинг учун уларда шароит, қўлайликлар етарли.

Жаҳон андозаларига мос ра-вишда жиҳозланган мазкур мас-

канда келажак эгалари бўлмиш ёшлар вақтини мазмунли ўтказ-яптилар. Бу борада уларга мала-кали мутахассислар, педагоглар яқиндан ёрдам беришапти.

Хушхабар



УМРБОҚИЙ ХАЗИНАЛАР

Китоб хазиналари ичида энг афзали. Янаям афза-ли илмларни ёдлаб олиганидир, деган эди улуғ ал-ломаларимиздан бири. Дарҳақиқат, маънавият маҳ-зани бўлмиш китоблар бизга ўтмиш, илму фан ҳақида сўзлабгина қолмай, онгимизни чархлашга, фикр-лашга ундайди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Мутафаккирлар» ил-мий-оммабон рисолалар туркумига кирувчи илк ўн та китобнинг тақдироти бўлиб ўтди. Ушбу китоблар Имом Бухорий халқаро мар-кази ва «Тафаккур» нашриётининг қўшма ло-йиҳаси асосида тайёрланган бўлиб, ўн на-фар аллома боболаримизнинг илмий, маъ-навий меросидан сўзлайди. Улар илк бор ки-тобхоналар ҳужмига ҳавола қилинаёпти.

– Ушбу лойиҳа асосида 200 нафарга яқин алломаларимиз, 100 нафарга яқин гарб файласуфлари, мутафаккирлари ҳаётини ёритишни ният қилганмиз, – дейди Имом Бухорий халқаро маркази директори, про-фессор Убайдулла Уватов. – Марказимиз-нинг мақсади эса республикадаги имом-хати-блар малакасини ошириш билан бирга буюк алломаларимиз ҳаётини, илмий-маъ-навий меросини халқаро миқёсда, илмий асосларда ўрганишдан иборат. Уларнинг ёзиб қолдирган илми бугунги кунда асқа-таётган экан, демак, биз бу меросни янада чуқурроқ, тереңроқ тадқиқ қилишимиз лозим. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асо-сида тақдим этилаётган бу китоблар ўлай-миз-ки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Тақдирот маросимида Ўзбекистон му-сулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов, Тошкент ислом уни-верситети проректори, профессор Зоҳид-жон Исмоиловлар сўзга чиқиб, Имом До-римий, Аҳмад Фарғоний каби улуғ аждод-ларимиз илмини беқиёс, тенгсиз уммон-га менгашди. Улар илмий меросининг

ўрганиладиган қирралари ҳали кўплиги-ни таъкидладилар.

Академик Саид Шермуҳаммедов қомусий олимларимиз ўзининг илмий, баъдий салоҳияти, иқтидори билан дунё тамаддунига ўз ҳиссасини қўшган киши-лар эканлигини таъкидлади ҳамда муло-ҳазаларида миллий гуруҳни тиклашга, ўзликини англашга қўмак берувчи бундай китоблар икки алифбода чоп этилгани билан янада аҳамиятли бўлишини айтиб ўтди. Уларни хорижий тилларига таржи-ма қилиш, муаллифларнинг мактаб, кол-леж, олий ўқув юрти талабалари, маҳал-лаларда учрашувларни ташкил этиш каби тақлифлар киритди.

Турли мулоҳазалар, баҳс-мунозаралар-га бой бўлган бу тадбир иштирокчиларда ёрқин таассурот қолдирди.

С. ОЧИЛОВ.



ДИҚҚАТ!

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»

Хурматли юртдошлар! <i>Биз, ички ишлар идоралари ходим-лари Сизнинг тинч-осойишта ҳаёт кечирishingиз учун масъулмиз. Шу боисдан, Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қан-дай масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги наобатчилик қисмларида қўйидаги «Ишонч телефонлари» орқали муро-жаат қилишингиз мумкин. Муро-жаат қилинган шаклнинг исм-шарифи сир сақланиши кафолатланади.</i>	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (8-371) 233-22-33 (8-371) 233-39-39 Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (8-361) 222-56-76 Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси (8-371) 232-03-30 Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-374) 224-87-50 Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-365) 224-64-86 Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-372) 226-03-02 Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-436) 223-06-71 Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-369) 226-60-55 Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-366) 223-00-00 Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-367) 225-33-30 Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-376) 227-25-51 Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-371) 264-18-32 Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-373) 224-29-08 Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-362) 226-37-10 Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-375) 221-82-45 Транспорт Ички ишлар бошқармаси (8-371) 252-61-39 ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси (8-371) 236-23-70
--	---

ISSN 2010-5355 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN Tahririyati MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI	Bosh muharrir Zikrillo NE'MATOV Bosh muharrir o'rinbosari – Qobiljon SHOKIROV Mas'ul kotib – Rahmatilla BERDIYEV Navbatchi – Azizjon FAYZIYEV Sahifalovchi – Zokir BOLTAYEV Matn ko'chiruvchi – Gulnora SODIQOVA	TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51. E-mail: urmvd@inbox.uz Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat banking Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.	Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi. «O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi boshmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.	Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi. Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №236. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma tabloq, 63659 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakk tatibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00. MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.
--	---	--	---	---